

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил
ЯНВАРЬ-МАРТ**

Андижон – 2018

СЎЗ БОШИ

Андижон вилоятининг статистик ахборотномаси Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Андижон вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-март ойлари якунлари бўйича Андижон вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 тахрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек Ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Сатистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, демографик ҳолат ва бандлик тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3)	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	7
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	8–9
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	8
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши	9
II. САНОАТ	10–15
Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари ва ҳудудларнинг улуши	10
Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулоти ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	11
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби	12
Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес улуши	13
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	13–15
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	15
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	16–23
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг ҳажми	16
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши	17
Дехқончилик	17–18
Чорвачилик	19–22
Фермер хўжаликлари	23
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	24–31
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	24–27
Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар	28–29
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	29
Қурилиш фаолияти	29
Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми	30
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти	31
V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)	32–33
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	32–33

Номи	бет.
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	34–40
Корхоналар ва ташкилотлар сони	34
Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони	35
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони	36
Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши	37
Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари	38
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	39–40
VII. ХИЗМАТЛАР	41–44
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	41–42
Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш	43–44
VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	45–46
Юк ташиш	45
Йўловчи ташиш	46
IX. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ	47–49
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	47
Чакана савдо товар айланмаси таркиби	47–49
X. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	50–55
Ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари	50–51
Ташқи савдо айланмасининг китъалар бўйича тақсимланиши	51
Товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси	52–53
Экспорт ва импорт таркиби	54–55
XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	56–60
Доимий аҳоли сони тўғрисидаги кўрсаткичлар	56
Аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари	57
Туғилиш	57
Ўлим	58
Никоҳлар ва ажралишлар	59
Миграция	60

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2018 йил январь-март**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	3013,3	108,9
Саноат маҳсулоти	4394,1	133,6
Истеъмол товарлари	3174,2	141,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	337,9	101,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	434,1	114,5
Қурилиш ишлари	386,4	103,7
Юк айланмаси (млн. тн-км)	165,9	114,5
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	2631,3	102,5
Чакана товар айланмаси	2291,7	105,3
Хизматлар, жами	1723,9	104,5
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	381,8	141,1
Экспорт	87,9	135,1
Импорт	293,9	143,0
Сальдо (+;-)	-206,0	-

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3013,3 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,9 фоизни ташкил этди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби



	млрд.сўм		2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	2099,4	3013,3	108,9
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2020,2	2905,0	108,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	79,2	108,3	109,9
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2020,2	2905,0	108,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	163,8	217,1	101,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	575,1	1148,3	120,7
саноат	446,2	975,6	125,6
қурилиш	128,9	172,7	103,7
Хизматлар	1281,3	1539,5	104,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	308,8	384,0	100,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	295,3	321,5	105,6
бошқа хизматлари	677,2	834,0	105,6

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (33,6 фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (13,2 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (11,1 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,5 фоиз), қурилиш (5,9 фоиз) ва бошқалар (28,7 фоиз) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 43,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-мартда 54,2 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 53,0 фоиз (2017 йил январь-мартда 63,4 фоиз)ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь–март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар соҳаси

II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь–март ойларида 4394,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 133,6 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 3174,2 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь–мартга нисбатан 141,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, 319,7 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 13,4 млрд. сўмлик ароқ-вино маҳсулотлари, 284,1 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь–мартга нисбатан мос равишда озиқ-овқат маҳсулотлари 101,0 фоиз ва ноозиқ-овқат моллари 148,4 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотида ҳудудларнинг улуши (2018 йил январь–март ҳолатига, фоиз ҳисобида)



**Саноат маҳсулоти ва
истеъмол товарлари ишлаб чиқариш**

	Саноат маҳсулоти		Истеъмол товарлари	
	млрд.сўм	2017 йил январь - мартга нисбатан фоизда	млрд.сўм	2017 йил январь - мартга нисбатан фоизда
Вилоят бўйича:	4394,1	133,6	3174,2	141,1
шаҳарлар:				
Андижон	812,1	114,7	218,2	100,8
Хонобод	199,3	123,6	18,4	100,6
туманлар:				
Андижон	104,8	107,3	53,6	101,0
Асака	2559,8	157,0	2484,2	158,9
Балиқчи	97,0	106,3	35	100,7
Бўз	28,8	100,9	12,7	100,6
Булоқбоши	26,3	104,2	22,0	101,2
Жалақудуқ	72,0	111,5	29,1	100,5
Избоскан	72,9	104,4	29,2	101,0
Улуғнор	24,4	101,4	8,9	100,7
Мархамат	48,9	101,1	22,8	100,5
Олтинқўл	70,7	105,1	35,4	101,0
Пахтаобод	26,8	105,5	25,4	102,1
Хўжаобод	83,5	97,8	59,3	95,2
Шахрихон	112,5	103,1	73,3	101,8
Қўрғонтепа	54,5	105,2	46,6	102,5

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш

	2017 й. январь-март	2018 й. январь-март	2017 йил январь- мартга нисбатан фоизда
--	------------------------	------------------------	---


Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, млрд.сўм	2249,9	3174,2	141,1
---	---------------	---------------	--------------

шу жумладан:

озик-овқат товарлари	316,6	319,7	101,0
ноозик-овқат товарлари	1914,9	2841,1	148,4
ароқ-вино маҳсулотлари	18,4	13,4	72,8


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариши ҳажмига нисбатан, фоизда)



Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора тадбирларни амалга оширилиши, кичик бизнес томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йил январь-март ойларига нисбатан 3,0 фоизга ўсиши таъминланди. Жами саноатда кичик бизнеснинг улуши 20,9 фоизни ташкил этди.

**2018 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича
саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес улуши
(жами ҳажмга нисбатан фоизда)**




**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йилнинг январь–март ҳолатига)**

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоизда
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	4394,1	133,6
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	24,6	103,0
<i>шу жумладан:</i>		
нефть- газ қазиб олиш	15,3	100,3
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолияти	5,5	106,0


	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоизда
тоғ-кон саноати соҳасида хизмат кўрсатиш	3,7	110,7
Қайта ишлаш саноати	4248,0	134,5
<i>шу жумладан:</i>		
озик- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	369,5	98,8
пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	632,8	105,5
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	3,3	98,9
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,0	105,5
мебель ишлаб чиқариш	18,1	96,9
кимёвий маҳсулотлари, резина ва пастмасса буюмлар ишлаб чиқариш	98,9	121,0
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	42,6	106,7
фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1,0	107,3
металлургия саноати	1,3	106,0
тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	19,3	101,6
электрон ва оптика, электр товарлар ишлаб чиқариш	115,1	134,4
автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	2915,6	153,0
бошқар турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	28,4	110,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	111,4	111,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	10,1	150,0
сув таъминоти, оқава сув	7,8	132,1
чиқиндилар йиғиш, утилизация қилиш ва бошқа маҳсулотлар	2,3	277,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март



■ Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш

■ Қайта ишлаш саноати

■ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

■ Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-март ойларида 883,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларининг ўсиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишининг ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари

	2017 йил январь-март	2018 йил январь-март
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	39	44
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	34	38
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд.сўм</i>	246,4	883,6
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>минг АҚШ доллари</i>	5229,9	9424,2
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	17	-

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2018 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 337,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,7 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 332,7 млрд. сўмни (101,5 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 1,3 млрд. сўмни (101,4 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 3,9 млрд. сўмни (113,3 фоиз) ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-мартда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

	Млрд. сўм	ўсиш сураъти %
Вилоят бўйича:	337,9	101,7
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	17,5	98,3
Хонобод	3,6	100,2
<i>туманлар:</i>		
Андижон	25,9	101,7
Асака	36,4	101,4
Балиқчи	22,0	102,1
Бўз	10,8	102,1
Булоқбоши	25,6	106,4
Жалақудуқ	22,0	100,4
Избоскан	20,5	101,6
Улуғнор	9,4	102,1
Мархамат	22,8	100,8
Олтинқўл	26,1	102,8
Пахтаобод	19,7	103,0
Хўжаобод	11,3	102,6
Шахрихон	44,0	100,7
Қўрғонтепа	20,3	100,2

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 88,9 фоиз), фермер хўжаликларида (умумий ҳажмга нисбатан 6,1 фоиз), қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларда эса (умумий ҳажмга нисбатан 5,0 фоиз).

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг
хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Деҳқончилик. 2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 84,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,0 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 25,1 фозни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. 2018 йилнинг январь-мартида ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан жами сабзавот 3267 тонна (101,1 фоизга), мева 52 тонна (115,6 фоизга) етиштирилди.

**2018 йилнинг январь-мартида хўжалик тоифалари бўйича
асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташикilotлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Дон	-	-	-	-	-	-
Картошка	-	-	-	-	-	-
Сабзавотлар	335	84,4	2656	101,3	276	130,2
Полиз	-	-	-	-	-	-
Мевалар ва резаворлар	-	-	52	115,6	-	-
Узум	-	-	-	-	-	-

**2018 йилнинг январь-мартида ҳудудлар кесимида асосий
турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**



Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-мартда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 243,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 72,2 фозни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1027,3 минг бошга (100,1 фоизни), шу жумладан сигирлар 339,5 минг бошга (100,6 фоизни), қўй ва эчкилар 1357,9 минг бошга (105,2 фоизни), паррандалар 6739,3 минг бошга 100,4 фоизни) ташкил қилди.

**2018 йил 1 апрель ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	40,1	100,7	979,3	100,0	7,9	105,9
шу жумладан: сигирлар	15,2	102,6	321,6	100,5	2,7	98,3
Қўйлар ва эчкилар	52,6	103,6	1299,4	105,2	5,9	103,4
Паррандалар	746,3	102,2	5237,0	100,0	756,0	101,5


Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши – 95,3 фоизни, фермер хўжаликларида – 3,9 фоизни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида – 0,8 фоизни, ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,7 ва – 4,5 ҳамда – 0,8 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 95,7 ва – 3,9 ҳамда – 0,4 фоизни, паррандалар – 77,7 ва – 11,1 ҳамда – 11,2 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)




2018 йилнинг январь-мартда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 36,3 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-мартга нисбатан 101,4 фоизга кўп), 92,8 минг тонна сут (102,8 фоиз), 44,7 млн. дона тухум (103,4 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

**2018 йилнинг январь-мартда хўжалик тоифалари бўйича
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, тонна	896	108,5	35028	101,2	331	103,4
Сут, тонна	4468	107,6	87456	102,6	920	103,4
Тухум, млн. дона	9,1	101,0	26,8	100,5	8,9	116,1
Жун, тонна	-	-	-	-	-	-

**2018 йилнинг январь-мартда ҳудудлар кесимида асосий турдаги
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**





2018 йил январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-мартда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 20,6 млрд. сўми ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 6,1 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 40,1 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 15,2 минг бош сигир, 52,6 минг бош қўй ва эчкилар, 746,3 минг бош паррандалар мавжуд.

**2018 йил январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб
чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	2017 йил январь-март		2018 йил январь-март		2017 йил январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	-	-	-	-	-
шу жумладан: бугдой	-	-	-	-	-
Картошка	-	-	-	-	-
Сабзавот тонна	397	12,3	335	10,3	84,4
Полиз	-	-	-	-	-
Мева ва резаворлар	-	-	-	-	-
Узум	-	-	-	-	-
Гўшт, тирик вазнда тонна	826	2,3	896	2,5	108,5
Сут тонна	4151	4,6	4468	4,8	107,6
Тухум, минг. дона	8966	20,7	9056	20,2	101,0
Жун, тонна	-	-	-	-	-
Пилла, тонна	-	-	-	-	-

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 434,1 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, шундан хорижий инвестиция ва кредитлар 47,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯХМга нисбати 14,4 фоизни ташкил қилиб, 2017 йил январь-мартга нисбатан 2,1 фоизга ошди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2018 йил январь-март)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, фоизда	яқунга нисбатан фоизда
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	434,1	114,5	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	23,0	97,0	5,3
бюджет маблағлари	7,6	53,2	1,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	4,4	62,2	1,0
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	11,0	466,7	2,5
Марказлашмаган инвестициялар	411,1	115,7	94,7
корхоналарнинг ўз маблағлари	150,4	104,0	34,6
аҳоли маблағлари	86,4	69,9	20,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	36,6	166,8	8,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	137,7	222,0	31,7


Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Андижон вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар


	Жами		шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари	
	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоизда	млрд. сўм	жамига нисбатан улуши, фоизда
Вилоят бўйича:	434,1	114,5	274,9	63,3
шаҳарлар:				
Андижон	192,0	160,7	119,1	62,0
Хонобод	2,9	104,8	1,9	65,5
туманлар:				
Андижон	19,8	88,0	13,4	67,2
Асака	20,1	55,3	11,8	58,7
Балиқчи	11,8	110,2	5,7	48,3
Бўз	3,2	30,6	1,8	56,2
Булоқбоши	24,0	411,7	21,8	90,8
Жалақудуқ	7,1	56,3	5,4	76,0
Избоскан	13,5	84,1	11,2	83,0
Улуғнор	4,0	151,9	3,6	90,0
Мархамат	18,3	104,8	12,5	68,3
Олтинқўл	28,9	147,3	21,9	75,8
Пахтабод	11,7	178,9	9,7	82,9
Хўжабод	23,7	196,3	5,5	23,2
Шахрихон	29,8	194,7	13,4	45,0
Қўрғонтепа	23,3	195,3	16,2	70,0
Бўлинмайдиган хажмлар	-	-	-	-

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(фоиз ҳисобида)**

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март



**2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
технологик таркиби**

	жами	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами, млрд. сўм	434,1	29,3	404,8
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	63,3	64,1	63,3
<i>машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариши ва хўжалик жиҳозлар</i>			
	34,1	29,4	34,4
Бошқа харажатлар	2,6	6,5	2,3

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича юқори улушга эга бўлганлар уй-жой қурилиши – 33,6 фоиз, ишлаб чиқарадиган саноатда 26,5 фоиз, бошқа фаолият турлари 11,6 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг тегишли даврига ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши жамига нисбатан 0,6 фоиз, уй-жой қурилиши 11,4 фоизга ошган, бошқа фаолият турлари улуши 12,0 фоизга камайган.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.


2018 йил январь–мартда асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 47,7 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 164,7 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2018 йилнинг январь–мартида)

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	47,7	23,1	76,9
<i>шу жумладан:</i>			
давлат	-	-	-
нодавлат	47,7	23,1	76,9

Ҳисобот даврида Андижон вилояти бўйича нодавлат секторга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги улуши 100 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши текстил маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тўғри келиб, жами инвестиция ҳажмида – 69,2 фоизни ташкил қилди ва 2017 йилнинг январь–мартга нисбатан 1,7 мартага ошди. 2018 йилда киритилган хорижий инвестицияларнинг катта улуши алоқа, ишлаб чиқариш ва транспорт соҳасига тўғри келди, яъни хорижий инвестиция ва кредитларнинг 27,9 фоизи ушбу соҳаларга киритилди ҳамда ўсиш суръати аввалги йилга нисбатан 1,4 мартага ошди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2018 йил январь-мартда умумий майдони 92,0 минг кв.м. бўлган 1059 та уй-жой, шу жумладан қишлоқ жойларида 64,8 минг кв.м. майдонга эга бўлган 764 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 146,0 млрд.сўми ёки 36,7 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоотлари қурилишида 0,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 0,2 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 10,4 фоизини ташкил қилади.

Мазкур даврда соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида инвестициялар ўзлаштирилмади.

Коммунал қурилиш соҳасида 12,1 км узунликдаги ичимлик суви, 1,5 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 91,6 фоиз ва 25,4 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 106,4 млн.сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-март ойларида 386,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,7 фоизга бажарилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 4,8 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 15,7 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 67,7 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.


Қурилиш ишлари

	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жамига нисбатан фоизда		
			давлат	нодавлат	шундан хусусий
Вилоят бўйича:	386,4	103,7	1,7	98,3	92,3
шаҳарлар:					
Андижон	175,7	104,2	1,3	98,7	89,3
Хонобод	8,3	105,0	0,0	100,0	100,0
туманлар:					
Андижон	24,6	103,7	0,8	99,2	98,1
Асака	12,5	101,9	0,8	99,2	95,4
Балиқчи	12,9	99,7	0,8	99,2	97,1
Бўз	19,5	101,4	0,5	99,5	99,9
Булоқбоши	4,4	105,1	2,3	97,7	98,0
Жалакудук	6,9	70,9	20,3	79,7	100,0
Избоскан	21,3	100,0	0,5	99,5	100,0
Улуғнор	4,0	112,1	35,0	65,0	98,7
Мархамат	19,6	111,7	0,5	99,5	71,5
Олтинқўл	21,0	117,4	0,5	99,5	93,2
Пахтаобод	10,9	100,4	0,9	99,1	95,1
Хўжаобод	4,4	99,1	2,3	97,7	89,7
Шахрихон	30,8	108,5	0,3	99,7	100,0
Қўрғонтепа	9,6	95,4	1,0	99,0	89,2


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 379,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 98,3 фоизни (2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 106,8 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март



- Давлат мулки
- Фуқоролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари ҳажмида юқори улуш хўжалик бирлашмалари мулки 54,2 фоиз (ўтган йилнинг тегишли даврида 52,0 фоиз), фуқаролар хусусий мулки 43,6 фоиз (ўтган йилнинг тегишли даврида 42,6 фоиз)ни ташкил этди.

V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 891 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 43,8 фоизи (2017 йил январь-мартда 54,2 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 919,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 20,9 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 102,9 фоизни ташкил қилди;

- 335,6 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,3 фоизи) ташкил қилди;

- 239,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 55,1 фоизи) ўзлаштирилди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг январь-март даврига нисбатан 105,3 фоизни ташкил қилди;

